



ТОТУВЛИК, ҲАМКОРЛИГУ ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАМРОҲ БЎЛСИН, СИЗГА АЗИЗЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КИШЛОҚ ҲАМЖИҲАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўномаси

1991 йил 1 май
ЧОРШАНБА
№ 84 (5.126).
БАҲОСИ 8 ТИНИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссияси
қўшма Пленумининг меҳнаткашларнинг халқаро
бирдамлик куни—1 Май муносабати билан совет халқига

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!
Юз йил муқаддам, 1891 йилнинг май ойида Петербург ишчилари меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунига бағишлаган маёвгага чиқдилар. Бу Россияда Биринчи май نامойиши эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бундай шундай умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда.
Бугунги куннинг қийинчиликлари ва муаммолари қалбимиздаги Биринчи май идеаллари—тинчлик, меҳнат, тотувлик, ер юзидagi барча халқлар дўстлиги порлоқ идеалларини хиралаштирмаслиги керак.
Хурматли ватандошлар, сизларга мурожаат қилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлига эришиш йўлида куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этамиз. Заводлар ва фабрикаларнинг тўхтатиб қўйилишига, совет кишиларнинг бунёдкорлик меҳнати бузилишига йўл қўймайиз. Мамлакат-

нинг келажаги ҳар биримизнинг қўлимиздадир.
Пленум коммунистлари, барча фуқароларни янгиликни стратегиясининг бош мақсадларига эришиш учун — самарали иқтисодий, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, халқнинг муносиб турмушини таъминлаш учун жипслашишга чақиради. Азиз ўртоқлар, мамлакатда конституциявий тартибнинг мустақамланши, халқнинг СССР референдумида ифода этган иродасининг рўбга чиқishi сизларнинг қатъият билан қилган амалий ва самарали ишингизга боғлиқ.
Бизнинг асосий давлатимиз Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига қаратилган: сизнинг уюшқонлигингиз, сабр-бардошлигингиз, умумли меҳнатингиз — энг муҳим вазифаларни ҳал этишингиз, мамлакатни тангликдан олиб чиқишингиз қатъий кафолатидир. Ҳозирги вақтда дўстона мадад ва ўзаро ёрдам

ҳар қачонгидан ҳам зарур. Шаҳар кишлоққа, кишлоқ шаҳарга ёрдам берсин. Фақат шундай қилганимиздаги халқнинг ва ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаймиз.
Пленум амалда ватанпарварлик мавқеида турган барча сиёсий кучлар ва ҳаракатларга мурожаат қилиб, Ватан учун қийин пайтда унга ёрдам беришни таклиф қилади. Биринчи май меҳнаткаш инсон туб манфаатлари ва озу-умидлари билан ҳақиқий бирдамликни намойиш қилиш учун ажойиб сабабдир.
Азиз ватандошлар, сизларга мурожаат қилиб, Биринчи май байрамини иттифоқимизни, мамлакатимиздаги халқлар дўстлиги ва қардошлигини мустақамлаш белгиси остида ўтказишга чақирамиз.
Яшасин Биринчи май — меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

ЯШАСИН БАРЧА МАМЛАКАТЛАР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ
ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ—1 МАЙ



КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат комиссияси
қўшма Пленумининг «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодий
тангликдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида»ги қарори

юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳақида асосли талаблар қўйилмоқда.

Ҳайрисоғалист кучларнинг парламентдан ташқаридаги кураш усуллари тобора фаол зўр бераётганликлари — ҳозирги пайтнинг ўзига хос хусусиятидир. Улар қийинчиликлардан ва одамларнинг норозилигидан фойдаланиб, уларни сиёсий широрлар остида иш ташлашларга ва оқлик эълон қилишларга, қонуний равишда сайлаб қўйилган ҳокимият идораларига қарши ғайриконституциявий ҳатти-ҳаракатларга ундамоқдалар. Армия, давлат ҳавфсизлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аниқ мақсадни қўлаб бадном қилинмоқда.

Жамиятда консерватив кайфиятлар, маъмуриятчилик-буйруқбозлик тизimini қайта тиклаш мудоаолари борлигини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди.

Марказий Комитет билан Марказий назорат комиссиясининг пленуми СССР Президенти ва тўққиз иттифоддош жумҳурият раҳбарларининг мамлакатдаги аҳволи барқарорлаштириш ва тангликни баргараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қўшма баёнотини қўлаб-қувватлайди. Биз барча погоналардаги Советларга, ҳамма сиёсий ва ижтимоий кучларга мурожаат этиб, мазкур келишиб олинган стратегияни изчиллик билан амалга ошириш учун ўз ваколатлари ва нуфузидан фойдаланишга қатъий даъват этамиз. Биз Арманистон, Грузия, Латвия, Литва, Молдова, Эстония коммунистларига, барча фуқароларига мурожаат қилиб, ижтимоий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш ва иқтисодий тангликдан чиқиб олиш мақсадини қўлайдиган ялпи ҳаракатга қўшилишни таклиф қиламиз. Биз мазкур жумҳуриятлар

(Давоми 2-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ
Қўшма ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1991 йил 25 апрель.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИДАГИ КОММУНИСТЛАРНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети доимий ижтимоий-сиёсий комиссиясининг «Халқ депутатлари Советларидаги коммунистларнинг иши тўғрисида»ги маърузаси асосий қондалари маъжүүланиши ва КПСС матбуотида эълон қилиниши. Иттифоддош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка ва вилоят партия ко-

митетларига амалий ишда маъруза материалдан фойдаланиш таклиф қилинсин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси халқ депутатлари Советларидаги коммунистларнинг ишини тақимлаштириш юзасидан зарур тавсияларни ишлаб чиқсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

29 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг 1991 йил апрель қўшма пленуми якунларини тушунтириш тадбирлари тўғрисидаги ма-сала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ахборот берди. Қабул этилган қарорда Марказий Комитетнинг котибиятига, жойлардаги партия комитетларига СССР Президенти

билан тўққиз суверен иттифоддош жумҳурият раҳбарларининг қўшма баёнотини, Марказий Комитет билан Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг якунларини, улар қабул этган қарорлар ва ҳужжатларни тушунтириш соҳасида таҳлил этиш, йирик меҳнат жамоаларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ўрганиш ва аниқсиз одамларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар кўриш учун ишчи гуруҳларини тузиш топширилди.

Бюро мажлисида Тошкент вилоят партия комитетининг Ўзбекистон Компартияси ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги иши тўғрисида берган ҳисоботи ҳам тингланди. Муайян ташкилотчилик ва сиёсий иш ўтказилган бўлишига қарамай, вилоят партия комитети ва унинг бюроси ҳали фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказишда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ишлаб чиққан янги ёндашувларни ўзига қурол қилиб олмаганлиги таъкидланди. Вилоят партия комитети ва жойлардаги бир қанча

партия комитетлари ташаббусни бой бериб қўйганликлари, ачуқда келган вазиятга муносиб сиёсий йўлни аввало халқ депутатлари Советлари орқали сабот билан йўлдан ўтказиш мақорати йўқлиги, илтизом ва масъулият бўлашиб кетганлиги оқибатида вилоят иқтисодий-ишларнинг ишларнинг аҳволини барқарорлаштириб олишга муваффақ бўлинмади. Сановатда 1990 йилдан бошлаб ишлаб чиқиш пасайиб бормоқда, шартномавий интизомга риоя этиш соҳасидаги вазият мушкуллашди, кўпгина корхоналарнинг хўжалик алоқалари издан чиқди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш комплекс дастурининг топшириқлари тула ҳажмда ва барча турлар бўйича бажарилмаслиги истеъмол бозорида қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Қурилиш комплексини ишчи анча ёмонлаш-

тирди. Асосий ишлаб чиқариш фондларини, шунингдек уй-жойлар, мактабларни, мақтабача тарбия ва тиббиёт муассасаларини шига тушириш юзасидан белгиланган йиллик режа барбод қилинди.

Чакана нархлар ислоҳ қилинганлиги муносабати билан истеъмол молларига ва хизматларга бўлган талаб қондирилмаётган шартнома баъзи раҳбар коммунистлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан республикада қабул этилган чора-тадбирларни амалга оширишга етарлича масъулият билан маъмуриятчилик, энг зарур молларни бир меъёрида сотиш устидан ҳамма жойда ҳам дуруст назорат ўрнатилгани йўқ. Порахўрликка, чайқовчиликка, пинҳона иқтисодий фирибгарликка қарши ҳужумкор кураш олиб борилмапти. Квартираларни, ер участкаларини, автомашиналарни

тақсимлашда ижтимоий адолатни бузиш ҳолларига ҳам ишга ҳам қатъий баҳо берилмапти.

Мураккаб вазиятда вилоят партия комитетининг бюроси рўй бераётган жараёнларни чуқур ўргаништириш, сиёсий кучларнинг жойлашсини кўпинча билмапти, илдамроқ ишлашга ҳаракат қилмапти. Советлардаги партия гуруҳлари орқали депутатларга тегишли таъсир ўтказилмапти. Сайлаб қўйилган фаоллар билан, бошланғич партия ташкилотлари билан алоқа узилди қолмоқда. Уларнинг баъзилари иқтисодий фаолиятда қатнашишдан ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишдан сезиларли равишда четлашиб қолдилар. Мафхуравий иш доллар муаммоларини ҳал этишга суист қаратилмоқда. Баъзи мансабдор шахсларнинг фель-автори сиёсий жиҳатдан зарарли эканлигига,

уларнинг айби билам мижароли вазият вужудга келмаётганига етарли аҳамият берилмапти.
Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини амалга ошириш партия комитетларининг диққат марказидан четда қолди. Анчагина меҳнат ресурслари иш билан таъминланмаган бир пайтда саноат корхоналарида ва қурилишда кўпгина жой бўш турибди. Юқори малакали ишчилар ва мутахассислар кооперативларга ўтиб кетмоқдалар. Баъзан тижорат банкларини, акциячилик жамиятларини, қўшма корхоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолияти назорат қилинмапти.
Қабул этилган қарорда Марказий Комитет бюроси вилоятнинг раҳбар коммунистлари диққат-эътиборини ишдаги жиддий камчиликларга қаратди ҳамда вилоят комитети бюросидан ва котибларидан бу камчиликларни тугатиш юзасидан зудлик билан, аниқ-равшан чора-тадбирлар кўришни талаб қилди. Вилоят партия комитетига шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда, коммунистлар ва жамоатчиликнинг иштинорки билан Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини бажариш юзасидан ўтказилаётган ишни таҳлил этиб чиқиш ва жумҳурият Компартияси ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган ташкилий-сиёсий тадбирлар режаларига зарур тузатишларни киритиш топширилди.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий тусдаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

В. НОСИРОВ.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Бухорога тутатиб кетган Фрунзе номли жамоа хўжалик савзавотчиликка ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Меҳнат аҳли вилоят маркази аҳолисида қўлаб маҳсулотлар тортиқ этилди. Эл дастурхони тўққизинчида қўшилётган улусдан манфаатдорлик ҳам чакан бўлмапти. Биргина ўтган йилда хўжалик 6,2 миллион сўм даромад ядад кутду. 1,5 минг гектар майдондан 10,5 минг тонна савза-

вот, шунингдек 1.600 тонна узум, 300 тонна мева етиштиришга бел боғлаган ноз-неъмат бунёдкорлар айна кезларда сидқидилдан тер тўқмоқдалар. Эртаги савзавот маҳсулотларини Янги-териб олиш аснонда, 266 гектар тоқор ва 180 гектар боғ парварлиш уюшқонлик билан олиб бориляпти. — Дастурхонда мева-че-

ванниг ўрни алоҳида, — дейди хўжалик директори Исом Нариев. — Меҳнаткашларимиз ана шундай хайрли ишни қилишгаётгандан ман-нуулар. Бизда биргина савзавотнинг 12*хили етиштирилмоқда. Шаҳарликларга қўлаб қарам, помидор, бойрив ва бошқа маҳсулотлар тортиқ берилмапти. Хўжалик меҳнат аҳли бу-

хороликларнинг 1 Май байрами дастурхонига сархид ноз-неъматлар тортиқ этишни қўлашган. Ҳозиргача вилоят марказига ва бошқа шаҳарларга, Қоровулбозор дашти, Когон ва Қизилтепа районлари аҳолисида 170 тонна бодирин, 40 тонна помидор, 10 тонна қарам, 30 тонна турли қўкатлар жунардилар. Байрам куни ҳам анча миждорда маҳсулот тортиқ қилинмади.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат комиссияси қўшма Пленумининг «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодий таъминотни тангликдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида»ги қарори

(Боши 1-бета).

нинг ҳокимият органларини ССР Иттифоқидан чиқишни ахтирол тутилган ҳамма оқибатларини салмоқлаб кўришга қарайди.

Мамлакат тақдирини, одамларнинг шаъни ва қадриятини, ҳар бир хонадондаги омон-эсоликни азна билувчи ҳамма кишиларнинг зўр ғайрат билан биргаликда ҳаракат қилганидан ваъта келди. Вужудга келган ваъта интиқимий тотувлик, фуқаролар гинчлигини эришти, муқофилликдан ва сийсий манфаатпарастликлардан воз кечини йўллари излаш заруратини тақозо этмоқда.

II.

1. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми мамиятини янгилаш, социалистик йўл доирасида демократик қадриятларини ва иқтисодий адолатни қарор топтириш йўли бўлиши қайта қўришга партиянинг содқлигини тасдиқлайди.

Пленум шунинг таъкидлашда, ҳаф солиб турган фалокатнинг олдини олиш мақсадида:

— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги умумхалқ референдумининг натижалари асосида Иттифоқ шартномасини аммолаш;

— мамлакатда конституциявий тартиб ва қонунийликни тиклаш;

— СССР Президенти, Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг давлат ҳокимияти олий органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари мамлакатни тангликдан чиқариб олиш учун ҳамма ваколатларидан зўр ғайрат билан фойдаланишлари ҳаётини заруратидир.

2. Пленум партия ташкилотларини конституциявий меъёрлар доирасида ва жумҳуриятларнинг суверенитетини эътиборга олиб, ССР Иттифоқининг бирлигини бузаётган, бир қанча ҳолларда жумҳурият даражасида маъмуриятчилик-буйруқбоалик, ҳатто тоталитар тузилмаларни ҳам қайта тиклаётган барча кучларга қарши қатъий ҳаракат қилишга қарайди.

Пленум барча иқтисодий-сийсий ҳаракатлар ва партиялар билан ошқора мунозара ва сийсий мулоқот зарурлигини таъкидлаш, давлат тузилмалари қурилиши ва фаолиятини ўзгартириш муаммолари халқ қонуний равишда сайлаб қўйган ҳокимият идоралари томонидан ва амалдаги ҳуқуқий меъёрларда белгилаб қўйилган тартибда муҳокама қилиниши лозим, деб ҳисоблайди.

III.

1. КПСС Марказий Комитети билан марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми СССР Вазирлар маҳкамасининг иқтисодий таъминотни тангликдан чиқариб олиш соҳасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди ва СССР Бош вазири ўрнот В. С. Павловнинг маърузасида баён этилган ҳуқуқнинг тангликка қарши ҳаракатлари асосий йўналишлари эконоимикни бошқарилишини тиклашга ва халқ ҳужалигини барқарорлаштиришга қаратилган бўлиб, бозор муносабатларга ўтиш учун шароит яратди, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга пленум ҳуқуқнинг тангликка қарши дастурини меҳнатнашларнинг манфаатларига кўпроқ мувофиқлаштириш мақсадида уни тақомиллаштириш кераклигини, режалаштирилаётган чора-тадбирларни рўйга чиқариш воситасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди. Аҳолининг турмуш даражаси пасайишни тўхтатиб қолиш, аҳолининг, аввало тайинлаб қўйилган даромадларга ишайдиган кишилар, кўп болали оилалар иқтисодий жиҳатдан ҳимояланганини таъминлаш учун имкони бўлган ҳамма чораларни кўриш зарур. Иш билан таъминлаш, уй-жой, истеъмол бозорини нормаллаштириш муаммолари сабот ишлар ҳал қилиниши керак.

Пленум СССР Вазирлар маҳкамаси жумҳуриятларнинг ҳуқуқлари билан биргаликда бошланган чакана нархлар ислоҳотини ҳеч кечкинчи равишда яқинда ва ваъта тақозо этган тузатишларни унга киритиш, деб талаб қилади. Бунда талабаларнинг, мактаб ўқувчиларининг буюфет ҳамда ошқоналарига оқватлар қимматлашганини учун компенсация тулаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга, болаларга аталган молларнинг нархларини, шунингдек темир йўл ва ҳаво транспортда юришнинг янги тарифларини қамайтиришга, иқтисодий аҳамиятга молик молларни сотишдан олинётган 5 фоизлик солиқни бекор қилишга, аҳоли даромадларини индекслаштириш жорий қилишга алоҳида эътибор берилсин.

2. Пленум қатнашчилари ишлаб чиқаришнинг пасайишини бартараф этиш ва унинг ҳажмларини ошириш, меҳнат инициозини таъминлаш, товар ишлаб чиқарувчиларга эрк бериш, меҳнат жамоалари учун таъсирчан моддий рағбатлантириш омилиларини яратиш асосида тангликдан чиқиб олиш мумкин, деган қатъий фикрини изҳор этди. Бозор муносабатларига аниқ тартибга солиш тусида ўтилиши, бунда жамиятнинг чўқур мулкий табақаланишини истисно қилиш, меҳнатнашларнинг иқтисодий ғалабаланиши туғатилишига йўл қўймаслик лозим. Нарх-навоини либераллаштириш, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш, мамлакатга ажабий сармояни жалб этиш масалалари эҳтиёт чораларини назарда тутиб, сийсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта ўйлаб қўйилиши зарур.

Пленум мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёни қону билан тартибга солиш доирасида меҳнат жамоалари ва насаба уюшмалари ташкилотларининг кенг иштирокида ўтказилиши лозим, деб ҳисоблайди. Қону билан тартибга солинмаган, тийиқсиз хусусийлаштириш ларҳол тўхтатиб, илгари қону меъёрларига эид равишда палла-партиш қабул қилинган қарорлар қайта кўриб чиқилиши зарур. Партия комитетлари меҳнат жамоаларининг ҳужалик ташаббуси соҳасидаги ўз ҳуқуқларини ижара орқали амалга оширишларида ёрдам берсинлар.

3. Пленум мамлакатнинг ягона давлат бюджет-молия ва банк системаларини тиклаш ва мустаҳкамлашга, ташқи иқтисодий фаолият устида давлатнинг қаттин назоратини ўрнатилга қаратилган тангликка қарши факулда тус-

даги чора-тадбирлар дарҳол амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Тармоқ стратегик дастурларини режалаштириш системасини вужудга келтириш, ҳужалик алоқаларини барқарорлаштириш, ресурсларни сармоя сарфлаш дастурларини қисқартириш ва мудофаа ишлаб чиқаришнинг конверсиялаб асосида истеъмол соҳасининг тармоқлари фойдасига қайта гуруҳлаш, иқтисодий масалалар ва озиқ-овқат таъминоти юзасидан тузилган битимларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш, пулниги қадрсизланишига қарши молиявий сийсат ўтказиш соҳасида ҳукумат идоралари самарали ҳаракат қилишлари зарур. Пленум қатнашчилари давлат ва ҳужалик аппаратининг «пинхона» иқтисодий билан қўшилиб кетишига қарши курашини қатъий кучайтириши талаб қилди.

4. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг пленуми қишлоқнинг иқтисодий-иқтисодий аҳволи ёмонлашгани, деҳқонларнинг турмушдаги қийинчиликлар кучайганини муносабати билан жиддий таъминот изҳор этади ва СССР Вазирлар маҳкамасининг дастурда мамлакатни тангликдан чиқариб олишнинг асосий шартларидан бири сифатида деҳқончилик-еаноат комплексини ривожлантиришга ҳақиқий устуллик бериш учун аниқ чора-тадбирлар, моддий ва молиявий ресурслар белгилаб бериши лозим, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда қишлоқ ҳужалиги маҳсулотини билан саноат маҳсулотини нархлари муносиблигини зудлик билан қайта тиклаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида тенг айирбошлашни таъминлаш, бутун куч-ғайратини дои, қўшг етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат ва балиқ саноатини техникка билан қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларини амалга оширишга қаратиш зарур. Деҳқонлар озиқ-овқат етиштириш кўпайтиришдан ҳар томонлама манфаатдор қилинсин, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари етиштирилган рағбатлантиришнинг хилма-хил шакллари ва аввало муқобил мол сотиш усуллари кенг қўллансин.

Пленум қатнашчилари партия ташкилотларини, барча коммунистларини ер ислоҳотини ва умуман қишлоқдаги ислоҳотларни ўтказишда, қўш шаклдан иқтисодий таъминотни қарор топтиришда, шу асосда мулкчилик ва ҳужалик юриштининг хилма-хил шакллари ривожлантиришда, қишлоқ иқтисодий жиҳатдан қайта қуришнинг барча масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари Советлари ва ҳокимият ижроия органлари билан фаол баҳамжиҳат ҳаракат қилишга қарайди. Экин ишларини уюшқонлик билан ўтказиш ва ҳосилини йиғиштириб олишга тайёрларди қўришда қишлоқ меҳнатчиларига самарали ёрдам берсинлар, қишлоқ ҳужалик маҳсулотини етиштиришнинг қамийлигига йўл қўймасинлар.

5. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси шунинг таъкидлашларини, тангликка қарши чора-тадбирларни амалга ошириш чоғида таълим, фан, маданият, содқлини сақлаш ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга давлатнинг, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг эътибори сусайишига йўл қўйиб бўлмайди.

Пленум бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамиятнинг ялму эиб ва маданий салохиятини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш таъминлайдиган қону ҳужжатлар тейроқ қабул этилиши бунинг учун зарур молиявий ва моддий шарт-шароитлар вужудга келтирилиши лозим, деб ҳисоблайди.

IV.

1. КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми ҳозирги пайтнинг мураккаблиги ва қаттиқлигини эътиборга олиб, партия комитетларига тангликка қарши чора-тадбирлар амалга оширилиши, энг муҳим иқтисодий-иқтисодий масалалар ҳал этилишини ташкилий-сийсий жиҳатдан таъминлаш юзасидан аниқ ҳаракатларни амалга оширишни тақлим қилади. Айна вақтда коммунистларнинг партия барча бўғинларидаги, Советлардаги, меҳнат жамоаларидаги, оммавий ахборот воситаларидаги, жамоат бирлашмаларидаги ишини кучайтириш муҳимдир.

2. Пленум ғайресоциалистик кучларнинг иқтисодий тузумни ўзгартириш, социалистик давлатни вайрон қилиш, совет ваколатли тизимини туғатиш, СССРнинг ташқи ва ички ҳафсизлигини пасайтириш йўлидаги уришчиларига сийсий усуллар билан қатъий қарши ҳаракат қилиниши партиянинг энг зарур вазифаси деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари давлат идораларининг мамлакатдаги конституциявий тартибни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватласинлар.

3. Пленум КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг, сайлаб қўйилган бошқа партия идораларининг аъзоларига партия ташкилотларида, оммавий ахборот воситаларида, меҳнатнашлар орасида пленум ишини яқинларини туғатириш беришни топширади. Партия ташкилотларида инициозини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсин, меҳнат жамоаларидаги ишларга ва ваътага таъсирини тиклашга уларга ёрдам берилсин. Аввало деҳқонларга ва бригадаларда ички партия бўғинларини сақлаб қолиш ва қайта тузиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилинсин.

Марказий Комитетнинг котибати ҳозирги замон кадрлар сийсати қонемдасини ишлаб чиқиб, уни иқтисодий турмушининг барча соҳаларида партиявий таъсирини амалга оширишнинг энг муҳим воситаси деб ҳисобласин.

Минтақаларда ва тармоқларда КПСС ҳамда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари марказий органлари аъзоларининг иштироки билан аниқ сийсий ваътада келишилган ҳаракат тактикасини шакллантириш учун бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ва партия фаолларининг кенгашларини мунтазам ўтказиб туриш одат тусига киритилсин.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг, котибатиининг диққат-эътиборини иқтисодий турмушининг туғи соҳаларига ва партиянинг ўзига тааллуқли принципал партиявий қарорларни ишлаб чиқишда партиялар оммасининг фикрини имкони борича кўпроқ ҳисобга олиш зарурлигига қаратади.



Аҳолига ноз-неъматлар етказиб бериш ниятида меҳнат қилаётган Самарқанд районидagi «Комсомол» жамоа ҳужалиги сазавоткорлари байрам арафасида шаҳарликлар дастурхонига қўллаб маҳсулотлар етказиб беришди. Ҳар гектар ердан 325 центнердан сазавот

етиштиришга аҳд қилган А. Исломов бошлиқ бригада далаларида экинлар парварши қизини давом этайтир. Бунда бригада аъзоси Кубарро Холова лешқадам.

СУРАТДА: илгोर сабазвоткор К. Холова. Ф. АЛИЕВ олган сурат.

Коммунистлар! Қайта қуришнинг асосий мақсадларига эришиш— самарали иқтисодий таъминотни вужудга келтириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосида совет кишиларига муносиб турмушни таъминлаш учун жипслашайлик!

Тожикистондан хат ОЛТИН БЕШИК

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1991 йил 7 февраль сонида бошланган «Унутилган гўша» сарлавҳали мақола бизда катта қизиқиш уйғотди. Муаллиф Ш. Сафаров Хатк қишлоқининг қадимги тарихидан тортиб, ҳозирги аҳолига батафсил баътадил. Ана шундай долзарб маселани ёритиб, катта иш қилган муаллиф Ш. Сафаровга ва уни бутун халққа етказган «Қишлоқ ҳақиқати» рўномаи жамоасига чексиз миннатдорчилик билдираман.

Мен 81 ёшдаман. Тожикистон ССР Қўрғонтепа вилоятининг Кабодиён районидagi «Меҳнат» роҳат колхозида ишайман. Ота-боболаримиз киндик қонини туқилган Хатк қишлоқидан 30-йиллардан кейин бир қанча кишилар Тожикистонга кўчиб келиб, қамчишларини ўзлаштириб, пахта экиди, колхоз тугдики. Шу жамоа ҳужалигига 30 йил раислик қилдим. Турмуш ўртоғим ҳам Хатк қишлоқда туғилган. У бу ерга 1938 йилда келган. Партия ва ҳукуматнинг эътиборини интиқим таъминоти билан иккаламизга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини унвоин берган. Тожикистон раҳбарларидан иминатдорлик ёмон ишлаймикин. Кўчиб келганларнинг қайиларини 60-йиллардан кейин Сурхондарё областининг турки районларига қайтиб кетишди. Биз билан қолганлар ҳам катта қишлоқнинг ташкил этади.

Ушундай сўлим хушманзара қишлоқ бундай ҳолат қолганидан юрганмикин аниқлаш. Ҳар бир сой ўз булогига, ўз ўзининг эга. Зар қадар заргар айтиш, деҳқонларнинг кўчиб келишига етилмаётганлиги киши дилини ранжити.

Тожикистонда худди Хаткдаки табиғатга эга бўлган жойларда қувурлар ётирилмоқда. Бу ерларда сермева боғроғлар яратилиши мумкин. Албатта жумҳурият рўномаси шу маселлага эътибор қаратиб, савобликни қилибди. Уйлаимизки, шу мақолада сўнг Хатк қишлоғи ҳаётида муҳим бурлиш бўлади. Вилоят раҳбарларидан битта ўтчимчилик бор. Улар шу қишлоқда алоҳида эътибор бериб, уни ободонлаштириш, ҳаёт қайнаган гўшага айлантириш учун баҳоли қудрат ёрдам қилини қўздадилар, деб ундай қиламиз. Инма бўлганда ҳам Хатк қишлоғи киндик қонимиз туқилган оини юртимиз олтин бешикимиздир. Бугун бешик ҳидини унутиб бўлмаймикин! Ушунга Тожикистонда кўнглимизнинг тенг ярми Эъбонистонда.

Ҳар инвала жумҳуриятдаги ҳамюртларимизни меҳнатнашларнинг халқаро бирдмлик кунин — 1 Май байрами билан чини кўнглидан қўллашайлик.

Ҳайитноз ая БОБОҚУЛОВА, Эшмурод бобо БОБОҚУЛОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари.

ОТА ИЗИДАН

Энг илгори, ишбилармон кишилар ҳақида сўраганимизда Чироқчи район раҳбарлари «Чорвадор» давлат ҳужалигининг бош қўбини Бекмурод Яхшиев номини тақдор-тақдор тилга олишди.

— Юз марта эшитгандан бир кўрган афзал. Ҳақиқат бориб суҳбатлашсангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. — дейишди улар. — Бу йилги қўзаништиш мавсумини ҳам биринчиликдан бўлиб якунлади. Ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан соғлом қўзи олди...

Одатда ҳали учрашмаган, юзма-юз ўтириб суҳбатларини тингламаган одамни таърифлашга, унга қизиқишимиз тобора ошади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ҳужаликка етиб келгунча ҳаёдан учрашадиган қаҳрамонга қандай саволлар бериш ҳақида ўйлаб бордик. Кўп ўтмай тақрибли чорвадор билан учрашдик.

Бекмурод камтар, кампаз. Сўзлаётганда мақтанининг сезмади. Ҳа соҳасини ахири билишни, лешқадам қўпонида гап бошлашгандоқ билинди.


— Отам Қурбон Яхшиев 46 йил ана шу соҳада фаолият юритди. Эндиликда кўлтўг тақини менга ишониб топширганлар. Онда пудратчи асосида ишлайман. Укам Ғайрат ҳам жонимизга аро кирди. Бултўр ҳар юзига 135 тадан қўзи олганимиз учун «Москвич» маркази енгил автомашинасини мукофот тариқасида беришди. Ишдан, шароитдан нолитдиган жойимиз йўқ.

Қўпон бизни адирга, қўй-қўзилар ўтлаётган жойга бошлади. Қиё яйлловнинг бугунги шукҳи ўзгача. Лолақизгалдоқлар бирим очилгани, гўё атрофга қизил байроқчалар қадаб қўйилгандек туюлади. Шу гўзаллик, сокилик бағрида қанча юрсанг ҳам ҳориганинги сезмайсан. Табиат яратган манзарага боқиб тўймайсан. Хув нарида жониворлар яйраб ўтлашяпти. Адир ана ҳам ишлаб кетган.

Гурунгимиз табиат ато этган гўзаллик қўнида давом этиди. Суҳбатдошларим қўпонилик тағбини муқаддас били ардоқлаётганликларини фахрлиноб сўзлашди.

— Мен пенсияга чиққан бўлсам-да, уйда тинч ўтирмаган йўқ. — дейди Қурбон бобо. — Ўғилларимга кўп йиллик иш тақрибаларимдан сабоқ берайман. Ота касбини давом эттиришгаётгани мен учун катта бахт.

Суҳбатимиз тобора кўр олди. Шу орада бош қўпон бизга нималардир ёилган қоғозни туғтказди. Унда қўнйдаги рақамлар бор. Ҳужалик билан қўпон Б. Яхшиевнинг 1991 йилги шартномаси: икхиёрида 427 бош жонивор бўлиб, шундан 275 бош совлиқ. Ҳар юздан 110 тадан қўзи, битта жонивордан 2,5



Бекмурод камтар, кампаз. Сўзлаётганда мақтанининг сезмади. Ҳа соҳасини ахири билишни, лешқадам қўпонида гап бошлашгандоқ билинди.

килограммдан жун топшириш аҳдлашилган. Трактор, телелжа унинг хизматида. Қишлоқ учун етиб ортадига мийдорда ем-хашак туғлаш, 85 фоиз қўзини ўстиришга қолдириш кўрсатилган.

Ушундай таҳлил қилганимиз. Қўзаништиш режаси ошириб адо этилади. Ҳар қирғини ҳам эрта-инди адо этилади. Бела ўрими, хашак йиғиш авж олдирилади. Қўпонларнинг ойллик иш ҳақи 280—300 сўмин ташкил этаркан. Илгари қўнунга қадар ҳар бир 6 минг сўм олишди. Мукофот эса бунга кирмайди. Яна тўз мавсумини биринчи ва қўнғилдагидек ўтказгани учун 45 та қўзини рағбатта беришди.

— Баҳор салқин келди. Турли гўёлардан озиқ олган қўзичоқлар тез етилади. Энди саратондаги жазирамадан унчаллик таъминига тўшмайлик. Совлиқ ва қўзичоқлар ўзларини анча тиклаб олишди. Семизлик даражаси ўртадан қочори, — дейди Бекмурод.

У шундай деб суруви томон илдамда келди. Унинг ўй-хаёлида ҳозир нималар чарх ураётгани қоронғу. Лекин бир нарсани қомил ишонч-бута, айтиш мумкин. Жамоа чорасини бут сақлаш, сурувга сурув қўшиш эзу нияти. Унинг ҳаракати, кам гапириб, кўп мулоҳаза юритиши шундай дейишга асос. Мўминқоил фарзанд аввало ота касбини давом эттиради. Шундан иззат-икром топшига интилади.

Б. МУРОДОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

ҒАМХЎРЛИК

Наманган районидagi «Коммунизм» жамоа ҳужалиги бошқаруви шу кунларда асосий диққат-эътиборини қишлоқ меҳнатнашларининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишда колхоз ҳудудидagi кишиларнинг ўш, сут, тукум ва бошқа маҳсулотларга бўлган талаблари ўзгариб чинилди. Мазлум бўлишича, хонадонларда 4488 бош қорамол, қўй, паранда боқилган. Шунингдек, қишлоқда боқиб, сепиритиришга 67 бош бузоқ берилди. Меҳнатнашларнинг ёрдамчи ҳужалигини ривожлантиришга имкониёт ва кўлайлик яратиш мақсадида арзон нарда 236 тонна хашак, 34 тонна ширали озуна, 141 тонна кўк масса, 68 тонна ем тартиқлиди. Уй-жой қуриш, томорча ҳужалиги учун 1256 оилга 125 гектардан зиёд ер ажратилди. Кам даромадли, кўп болали оилалар, ногиронларга 150 минг сўм қўшимча маблағ берилди. Бундай ёрдам йил охиригача 250 минг сўмга етказилади.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

ПУДРАТЧИ ҒАЛЛАКОРЛАР

Пайарқи районидagi Карл Маркс номи жамоа ҳужалиги ғаллакорлари бутур кузда 200 гектар майдонга бугдой уруғи қадашганди. Эрта кўкдама экин парварини уюшқонлик билан бошлаб юборилди. Бугунга қадар барча ғаллазорлар бир сизара озиқлантириб бўлинди. Бу иш билан пудратчи оилалар шугулланмоқдалар. Ишини бундай ташкил этиш ҳосилдорлигини ва гектар са-

мардорлигини ошириш имконини берапти. Пудратчилар экинни вақтида, талаб даражасида парварини қилашяпти. Айна пайта Жаҳон Раббимов, Очыл Хайтаев, Эшқул Жондорев, Ҳўроз Исроилев бошлиқ жамоаларда ғалла ривож қўзини қувонтиради. Улар жорий йилда гектардан 19—21 центнердан бугдой ҳосили йиғиштириб олсини қўзалаган.

С. ХОЛМУЛОВ.



Жалолқудум районидagi Ф. Тошматов номи давлат ҳужалиги деҳқонлари чорва молларини тўғимли озуқа билан таъминлаш мақсадида 83 гектар майдонга оралик экинларини — рож ва перко экинларини йиғиштириш қизгин бормоқда. Механизаторлар ҳар гектар майдондан 300 центнердан озуқа ўриб олишга эришяптилар.

СУРАТДА: ҳужалик бош агрономи (ўнгда) А. Маданиянов ижарачи Э. Илдошев билан суҳбатлашмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БУЛБУЛ НАВОСИ

Табиятушошлар майнинг булбуллари энг кўп сайрайдиган ой деб атайди. Бу бежиз эмас. Амжойиб кушлар шунчалар бу ҳар бир юракка ҳу...



Эввойи малина, дўлана бутзорларидан, толзорлардан булбул навоси кела бошлайди. Тингламоқчи бўлсанг, саҳар турда, дала сўймоқларига...

Гулзорлар ҳам ўзгача манзара касб этди. Хилма-хил капалаклар гулдашдан чечаклар узра гулжон ўйнашади. Ҳашаротлар дунёси бу даврда ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлади.

Гилос новдаларида жажжи мевалар кўзга ташланб қолди. Олхўр ва ўриклар гўраси кўндан-кўнга етилмоқда. Олча ва олмалар мева тугди. Илк кулунмай ҳосилини териш бошланди. Кўндан-кўнга кўпайиб, элдустурхонини тўқин ва маъмур этади.

Бозорларда редиска, бодринг, кўнатлар, янги қарам, сабзи, далавга кўпайиб қолди. Уларни кўрган кўз қўволади. Бу сергайрат деҳқонлар меҳнатининг илк самарасидир.

Далаларда ҳаёт қайнамоқда. Экинчилар энг ниҳоятда етиб, уларга шиллов бериш авж олмақда. Бўлажан улкан хирмон учун кураш бошланди.

Май — табиятнинг яшарган, яшнаган ойи. Бу даврда қизқариқ учрашувлар, ажойиб ҳодисалар, ғаройиботлар гувоҳи бўласиз.

А. ҲУМОНОВ.

Анджонликлар байрам арафасида бинокорлардан ажойиб соғга одиллар. Вилот марказида «Анджон» деб номланган савдо маркази фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: дорихушошлар Санъатдон Умарова (чапда) ва Одинахон Абдураҳмонова гилёш шарбати тайёрлашмоқда.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (УзТАГ).



ВАҚТ БЕЛГИЛАШ ТАРИХИДАН

Сайёрлик — Ер ўз ўқи атрофида айланиб турганлигидан Кўшнинг нукталарини турли вақтда ҳар хил берилади. Бинобарки, тоғ отиши, турли пайт ва Кўш боғиши турли нукталарда турли вақтга тўғри келади.

1870 йилда канадалик муҳандис С. Феллинг турли жойларда соатлар кўрсатадиган вақт келишларини бартараф эттиш учун соат мийчаларни тавсис этишни таклиф қилди.

Халқаро битмига бинован вақт ҳисоби бугун дунёда Лондон шаҳридаги Гринвич расадхонаси ноль туш чизигидан бошланади.

Ичкилобдан кейин 1919 йилдан бошлаб Совет Иттифоқида мийча вақти қабул қилинди.

Бези мамлакатларда бз вақти қабул қилинган. У мўтадил келгиларда фойдаландир [Ўзбекистонда эмас].

СССР Вазирилр Кенгаши қарор билан 1981 йилдан бошлаб ёзги вақт жорий этилди.

Кейинги йиллардаги ҳисобиктоблар шун кўрсатдики, амалдаги декрет вақтда ёзги мўддатга ўтши, яъни соатини Кўш вақтига нисбатан 2 соат олдинга сурши соҳада ноқулайликлар келтириб чиқарди.

Ўзбекистоннинг Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бу йил 31 мартда бир соат орқага сурилди.

Ўзбекистоннинг Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бу йил 31 мартда бир соат орқага сурилди.

«Қишлоқ ҳақиқатининг навбатдаги сон 4 май, шанба кунини чиқари.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

МУЧАЛ ВА БУРЖ

Мучал йил ҳисоби тақвими (календар)лар ўртасида қадимий-сиқир. Ер кўрсатидиган дастлабки тақвими осмон жисмларини — Кўш, Ой ва юлдузларни кузатиш асосида язулган келган.

Шу тариқа эрамиздан икки минг йил муқаддам Шарқда мучал йил ҳисоби язулган келган. Унга қуёш таснифидиган энг катта сайёра — Муштарий (Юпитер) ҳаракати асос қилиб олинган.

12 йиллик мучал йил ҳисоби Осиёда қадимги туркий халқлар ҳаётинда келиб чиққан. Турклар ўн икки ҳайтон номини ўн икки йилга кўйганлар.

Мучал тақвими 21 мартдан бошланади. Инсон ёш мучал йили билан ҳисобланганда унинг она қорнидагидан бошлаб, яъни, яна бир ёш кўшиб ҳисобланади.

Ун икки йиллик мучал тақвими қуйидаги тартибда ҳисобланади: Биринчи йил — сиқон (муш), Иккинчи йил — сиғир (бақар), Учинчи йил — йўлбарс (пананг), Тўртинчи йил — кўён (харгўш), Бешинчи йил — балиқ (наҳанг), Олтинчи йил — илон (мор), Еттинчи йил — от (асп), Саккизинчи йил — қўй (гўсфанд), Тўққизинчи йил — маймун (ҳамдуна), Ўн иккинчи йил — товуқ (мурғ), Ўн биринчи йил — ит (сақ), Ўн иккинчи йил — тўғиз (хўк).

Мучал йиллардаги ойлр ўн икки бурж номлари билан аталади. Бизга энг яқин бўлиши Кўшнинг Ердиги ҳаёт учун аҳамияти катта. У ҳаёт манбандир.

Кўш ҳам бошқа осмон жисмлари сингари йил давомида фазовий доира бўйлаб айланади. Кўшнинг эклиптика оғибот бир йил давомида айланиб чиқадиган фазовий доира бўйлаб кўрнима ҳолати ўзгариб туради. У йил давомида шу заил ҳаракат қилганида 12 та бурж (юлдузлар туркуми)ни кесиб ўтади.

Кўш ҳар бир бурждан бир ой мубайинда ўтади, деб келишилган. Аммо буржлар кўлами (катта-кичиклиги) ҳар хил бўлганлиги учун у буржлар оралигидан ҳар хил мўддатда ўтади. Кўпгина адабётларда Кўшнинг йил давомида буржлар доирасидан ўтадиган мўддатларини ҳисобга олган мучал (шамсий) ва милодий йилларнинг ойлр бўйича қиёсий тақвимида бироз ноинқиликка йўл қўйилди. Бунинг бартараф этиш мақсадида қуйида Кўшнинг йил давомидаги фазовий ҳолати мўддатларига асосланган шамсий (мучал) ва милодий йил ойлрнинг қиёсий тақвими тавсис этилди.

Шамсий ой (бурж)лар номи	Мавжуд (милодий) тақвими ойлрига нисбатан
Ҳамал	21 мартдан 20 апрелгача
Савр	20 апрелдан 21 майгача
Жавзо	21 майдан 22 июнғача
Саратон	22 июндан 23 июлғача
Асад	23 июлдан 24 августгача
Сунбула	24 августдан 23 сентябргача
Мезон	23 сентябрдан 24 октябргача
Ақраб	24 октябрдан 22 ноябргача
Кавс	22 ноябрдан 22 декабргача
Жадий	22 декабрдан 20 январгача
Даво	20 январдан 19 февралгача
Хут	19 февралдан 21 мартгача

(кислород) бирикшидан ҳосил бўлган нитрат моддаси ёмғир билан ерга тушади. У туپроқдаги нитрат, калий, аммоний билан бирикчи, селитрага айланади. Момақалдироқдан сунг ўтлар барқ уриб ўсади, қўзиқоринлар добраб чиқади.

Табий бу ҳодиса Ер кўраси бўйича нотекис тақсимланган. Экватор атрофидаги ўлкаларда йилга 100—150 кун момақалдироқ (Явада деярли ҳар кун, айрим пайтлари эса кунига бир неча мартаба) бўлади. Ер кўрасининг шимолий ва жануварий чекка ўлкалари, Саҳрон Набир ва Арабистонда бу ҳол учрамайди.

Саҳифани профессор Мироттиқ ЛУМИНОВ уюштирган.

САМО САДОСИ

Ҳаво дим. Тўп-тўп булутлар афсонавий миноралар кўрнисида аста-секин катталашиб бормоқда. Улар қуюқлашган, Кўш кўрниси қолди. Қорамтир-қўрошнинг ранг булутлар осмон гўмбазики қоплади.

Тўсатдан кўни қамаштирувчи ёруғлик булутларини кесиб ўтди. Шу дам момақалдироқ гўмбурлади... Ерга йирин-йирин билдур томчилар ёға бошлади. Ёмғир кўчайиб, жалага айланди. Яшин чакнаб, дам-бадам кўзни қамаштиради. Қаттиқ шамол туриб, катта куч билан гувиллаб эса бошлади.

Ер юзаси исини билан ҳаво юқорига кўтарилиб, қобиғининг нисбатан сийрак бўлиши нам қатламга дуч келган, кенгайдган ва совуяди. Ҳаво намга тўйингач, ундаги ортинча сув буллари қуюқлашиб, тўп-тўп булутлар ҳосил бўлади. Сунгра оби-ҳаёт заараларига айланади.

Натижада булут ва ер оралигида чақмоқ чақиб, яшин ҳосил бўлади. Чақмоқ ерга катта тезлик билан етиб келади. Унинг ҳаводаги йўли роса қизийди. Бинобарин, жуда тез кенгайиб, қаттиқ гўмбурлаш рўй беради.

Яшин — ҳаводаги элктр кучларини учқундир. Агар у булут билан ер оралигида ҳосил бўлса, кўйи томон тармоқланиб, вужудга келган учқунлар атрофида кучли элктр майдони ташкил топади. Булут ва ердиги кучларнинг бир-биринга тортилади. Улар кўпайган, ер юзасидан акралиб турган ҳаво қатламни ериб ўтиб пастга интилади.

Ер кўрасида йилга тахминан 18 миллион, кунига 44 минг, соатига 2 минг, ҳар сонияда эса 100 мартаба яшин чақиб, момақалдироқ гўмбурлади.

Яшин катта офат келтиради, шаҳарлар вайрон бўлади, ойна жажон миноралари, элктр узагиш сими, алоқа воситалари, санат корхоналари, уйлар шикастланади. Ўрмон, шаҳар ва қишлоқларда ёғин чиқishi мумкин. Ҳар йили дунё аҳолисининг миллиондан ўнати яшиндан ҳалок бўлади. Момақалдироқ ва яшиннинг фойдаси ҳам бор. Масалан, момақалдироқ пайтида ноланган ҳаво таркибиде азот газининг миқдори орғиб, микробларни нобуд қилади. Чақмоқдан сунг ҳаводаги азот билан аччил

ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ?

Савр ойда Ернинг шимолий ярм шарига Кўш уфдан тобора баланд кўтарилиб, кун исий бошлайди. Осроосиёнинг тундрадан бошқа барча ҳудудларида қор эрибди.

Шимолий ярм шардаги энг мейдонларни, ўтлоқлар, ўрмонлар жонлениб, яшил либосга бурканади. Оварўпо жануби — Урта денгиз соҳилларида маккилар қийғос гуллаб, борлиқ сарғиш, кўйиш ва қизғиш ранга чулғанади.

Кўшлар шимол томон йўл олади. Азалар қарқара, чуқурчиқ, тўғрай, сўнгра оқ жиближибон, балчиқ, гоз, ўрдак, турна, калхат, кавку, қалдирғоч ва зерғалдоқлар учиб келади.

Савр охирида Шимолий муз океани соҳилларида кўшлар «базми» бошланади. Бу кезде Урта Осиё тоғларидиги қорлар эриб бошлайди. Тянь-Шань, Олой, Ҳисор, Ҳиндикуш тоғлари ёмғирлариде майсалар ривожланиб, ўтлоқлар ам-яшил бўлади. Момақалдироқ бўлиб, жала, баъзи жойларда сел қулади.

Тундрадан ташқари барча жойларде қор эриб кетади. Аппалачи тоғларининг ёнбағирлариде дағна (лавлр)ларнинг пуштиранг гуллари, азиятининг зерғалдоқранг гуллари жоэибали очилади.

Афғонистон ва Эронде, Ҳинд дарёси қаэзасининг жанубиде, Гоби ва Такламканда кун исиб, жазирча аз бошланади. Узок Шарқда, Манжурияда, шарқий Ҳитой, Ҳиндикуштой, Ҳиндистонда ой охирига бориб бағи муссон ёмғирлари ёғади. Демак, саврда Шимолий ярм шарининг катта қисмиде беҳор фасли тугаб, аз бошланади.

Бразилия саванналарида кўроқчилик масууми. Дарёлр сувни камайиб, дарактлар барги тўйилади. Бразилиянинг Атлантика океани соҳилларида какао меваси йингб олинади. Аргентинада кеч кўз. Патагония жанубиде қор қоплами вужудга кела бошлайди.

Савр ўрталарида Арктикада «оқ кечалар бошланади. Уч ойдан кўпроқ вақт мубайинда кўш мутлақо ботмайди. Антарктидада эса бунинг акси — «қоронгу кунлар. Бу ўлкеларда уч ойдан кўпроқ вақт мубайинда кўш мутлақо кўрнмайди.

ОБҲАВО

Май ойи бирмунча иссиқ келиши кутулади. Жумхурият ҳудудининг катта қисмида ҳарорат нормадан 1 даража юқорик, Қашқадарь, Сурхондарь, Самарқанд вилоятларида, Бухоро вилояти жанубиде нормага яқин бўлади. Уртача ойлик ҳарорат 19—24 даражаник, Қашқадарь ва Сурхондарь областларида 21—25, Фарғона водийсида 20—28 даражани ташкил этади.

Ой мубайинда ҳаво ҳарорати кечаси бир маромда — 12—17 даража атрофида бўлади.

Феврал 3—5 май кунларидеги ҳароратнинг 4—9 даражача пасасийиш кутулади.

В. БУЛЬГАР, Ўзбекистон гидрометеорология маркази узоқ мўддатли об-ҳаво маълумотлари бўлими бошлиғи.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

(«Сельская правда») Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26, Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33, 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хетлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Базитиш бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.